

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Очиқ акциядорлик тижорат  
«Алоқабанк»  
Кенгаши Раиси

Х.М. Мирзахидов

2013 йил «14» 02

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»



Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
Раисининг биринчи ўринбосари

У.М. Мустафоев

2013 йил «26» октябрь

DS-43-0171

## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»НИНГ ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРИНИ ЧИҚАРИШ ВА МУОМАЛАДА БЎЛИШ ШАРТЛАРИ

### 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур шартлар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунларига ҳамда «Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, ОАТ «Алоқабанк»нинг юридик шахслар учун депозит сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартибини белгилайди.

1.1. Депозит сертификати (кейинги ўринларда – сертификат) - бу омонатчининг (сертификат сақловчининг) ОАТ «Алоқабанк»га (кейинги ўринларда - банк) қўйилган депозит суммасини ҳамда сертификатда шартлашилган фоизларни банкдан ёки банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугагандан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи нозмиссиявий эгасининг номи ёзилган қимматли қоғоз.

1.2. Депозит сертификатлари бланкалар тарзида ҳужжатли шаклда юридик шахслар учун чиқарилади.

1.3. Сертификатни товарлар олди-сотдиси ёки кўрсатилган хизматлар (ишлар) учун ҳисоб-китоб қилишда тўлов воситаси сифатида қўллаш мумкин эмас. Агарда, мазкур тартибда кўрсатилмаган амалиётлар бажарилган бўлса улар ноқонуний ҳисобланади ва банк ушбу амалиётлар учун жавобгар эмас.



1.4. Сертификат бланкасида қуйидаги мазмундаги зарурий реквизитлар бўлиши лозим:

- «депозит сертификати» деган ном;
- сертификат рақами ва серияси;
- депозит қўйилган сана;
- сертификат бўйича суммани талаб қилиб олиш санаси;
- сертификат билан расмийлаштирилган депозит миқдори (рақамлар ва сўзлар билан);
- банкнинг депозитга қўйилган суммани қайтариш ва тегишли фоизларни тўлаш юзасидан мажбурияти;
- депозитдан фойдаланиш учун фоиз ставкаси;
- тўланиши лозим бўлган фоиз суммаси (рақамлар ва сўзлар билан);
- банкнинг номи, жойлашган манзили;
- депозит сертификатида омонатчи - юридик шахснинг номи ва жойлашган манзили;

• банк томонидан сертификатни имзолаш ҳуқуқи берилган икки нафар мансабдор шахснинг банк муҳри билан тасдиқланган имзолари.

Сертификат бланкаси матнида юқорида кўрсатилган мажбурий реквизитлардан бирортаси бўлмаса, сертификат ҳақиқий ҳисобланмайди.

1.5. Сертификат бланкаси банк томонидан қўлда шарикли ручкада, ёзув машинкасида ёки компьютернинг ёзув мосламасида (принтерда) тўлдирилади. Сертификат миқдори рақамлар ва сўзлар билан ёзилади. Сертификатнинг рақамда ёзилган қийматидан олдин ва кейинги бўш жойлар, шунингдек номиналнинг сўзда ёзилган қийматидан кейин қолган бўш жойлар икки параллел чизиқ тортиш йўли билан тўлдирилади. Сўзлар билан ёзилган ҳамда рақамлар билан белгиланган суммалар ўртасида фарқ бўлган тақдирда сўзлар билан ёзилган сумма ҳақиқий ҳисобланади.

1.6. Сертификат бошқа юридик шахсга берилиши мумкин. Сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш (цессия) бундай сертификатнинг орқа томонига ўз ҳуқуқини бераётган (цедент), ҳамда бу ҳуқуқни сотиб олаётган шахс (цессионарий)нинг икки томонлама битими асосида расмийлаштирилади. Цессияни расмийлаштириш узлуксиз бўлиши шарт.

1.7. Сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги битимга бундай битимларни амалга ошириш учун тегишли юридик шахс томонидан вакил қилинган икки шахс имзо чекади, ҳамда у юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланади. Бериш ҳақидаги ҳар бир шартнома цедент томонидан рақамланади. Сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги шартномага ҳар икки томон шахсан имзо чекади. Сертификатнинг иловалари рақамланган, сертификат бланкасига тикилган ва сертификатни имзолаш ҳуқуқи берилган икки нафар мансабдор шахс томонидан имзоланиши ҳамда банк (банк филиали) муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.



## 2. СЕРТИФИКАТЛАРНИ ЧИҚАРИШ ШАРТЛАРИ ВА МУОМАЛАДА БЎЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Муомалага чиқарилаётган сертификатларнинг умумий ҳажми 100 000 000 000 (Бир юз миллиард) сўмни ташкил этиб, муомала муддати 180 кундан 720 кунгача бўлган муддатга (сертификат берилган вақтдан бошлаб сертификат сақловчиси сертификат бўйича депозитни талаб қилиб олиш ҳуқуқини қўлга киритиш вақтига қадар) чиқарилади. Сертификатлар номинал қиймати 1 000 000 (Бир миллион) сўмликдан 50 дона, номинал қиймати 10 000 000 (Ўн миллион) сўмликдан 45 дона, 100 000 000 (Бир юз миллион) сўмликдан 45 дона, 500 000 000 (Беш юз миллион) сўмликдан 90 дона ва номинал қиймати 1 000 000 000 (Бир миллиард) сўмликдан 50 дона миқдорда чиқарилади.

2.2. Сертификатларнинг фоиз ставкалари:

– **180 - 360 кун** муомала муддати билан, банк томонидан йиллик Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган йиллик қайта молиялаш ставкасининг **50** фоизига **бир** фоиз қўшилган миқдорда даромад тўланади;

– **361 - 540 кун** муомала муддати билан, банк томонидан йиллик Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган йиллик қайта молиялаш ставкасининг **50** фоизига **икки** фоиз қўшилган миқдорда даромад тўланади;

– **541 - 720 кун** муомала муддати билан, банк томонидан йиллик Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган йиллик қайта молиялаш ставкасининг **50** фоизига **уч** фоиз қўшилган миқдорда даромад тўланади;

2.3. Сертификатларнинг олди-сотдиси бўйича пул маблағлари тўлови фақат нақдсиз шаклда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади.

2.4. Сертификатларни чиқариш ва муомалада бўлиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан рўйхатдан ўтгандан сўнг бир ҳафта ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

2.5. Сертификат бланкалари қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга бўлган корхона «Давлат белгиси» ДИЧБ томонидан 280 (Икки юз саксон) дона ҳажмда тайёрланади.

2.6. Сертификат бланкалари "Қимматли қоғозлар бланкаларига қўйиладиган техник талаблар тўғрисида"ги низом (2004 йил 17 февраль, рўйхат рақами 1312) талабларига мувофиқ тайёрланади.

2.7. Сертификатлар бўйича фоизларни ҳисоблаш «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги Низомга (рўйхат рақами 1306, 2004 йил 30 январ) мувофиқ олиб борилади.

2.8. Сертификатлар бўйича фоизлар ҳар куни ҳисобланади, ҳамда ҳар ойнинг охириги банк иш кунида тўловлар амалга оширилади.

2.9. Сертификатлардан олинadиган даромадлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилигига биноан солиққа тортилади.

2.10. Сертификат сотиб олиш учун омонатчи ёзма равишда банкка ариза билан мурожаат қилади ва сертификат олиш бўйича шартнома тузилгандан сўнг, унда кўрсатилган пул маблағларини банкнинг белгиланган ҳисобварағига ўтказиши керак. Сертификатлар, омонатчи томонидан банкнинг белгиланган ҳисобварағига пул маблағларини ўтказганидан сўнг омонатчига берилади. Шу билан бирга сертификатлар ҳисобга олиш журналида қайд этилади.

2.11. Сертификат омонатчи вакилига ишончномага асосан берилади.

2.12. Банк сертификатни сотишда, ушбу сертификатларни чиқариш ва муомалада бўлиш шартлари билан омонатчини таништириши шарт.

2.13. Сертификатни чиқаришда банк сертификат корешогининг барча реквизитларини тўлдиради. Сертификат корешоғига омонатчи ёки у вакил қилган шахс имзо чекади, корешок сертификатдан ажратиб олиниб, банкда сақланади. Сертификатни тўлдиришда тузатишлар ва бўяб ёзишларга йўл қўйилмайди.

2.14. Талаб қилиб олиш ҳуқуқи (цессия)ни бошқа шахсга берилганда сертификатнинг корешоғига ўзгартириш киритилмайди.

2.15. Сертификат хоҳлаган иш кунида соат 9.00 дан 15.00 гача берилади.

2.16. Агарда сертификат омонатчи томонидан уни расмийлаштириладиган кунда (соат 15.00 гача) талаб қилиб олинмаган ҳолларда, сертификат 16.00 гача ваколатли шахс томонидан имзоланган махсус рўйхатга асосан, бошқа талаб қилиб олинмаган сертификатлар билан биргаликда касса амалиётлари бўлимига сақлаш учун топширилади.

2.17. Сертификат бланкалари банкнинг пул омборхоналарида кирим қилинади ва сақланади.



### 3. СЕРТИФИКАТНИ СЎНДИРИШ ТАРТИБИ

3.1. Сертификатни сўндириш ОАТ «Алоқабанк»да амалга оширилади.

3.2. Омонатчи депозитни талаб қилиш вақти келганида маблағларни ўтказиш учун ҳисобрақамини кўрсатган ҳолда банкка хат билан мурожаат қилади. Банк сертификатини қайтариб олганидан сўнг тўловни амалга оширади. Агар сертификатларни сўндириш санаси банк ҳисоб-китоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, бу ҳолда сертификатларни сўндириш санаси ушбу кунлардан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

3.3. Банкнинг бўлими томонидан «Депозит сертификатларини рўйхатга олиш дафтари»да сертификатни сўндиришга тақдим этилганлиги тўғрисида тегишли ёзув киритилади.

3.4. Сертификат сақловчиси сертификатни муддати тугагунга қадар ёхуд сертификатда кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бунда банк томонидан депозит суммасига тўланадиган фоизлар, талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар бўйича тўланадиган фоизлар миқдориди тўланади.

3.5. Сертификатлар банк ташаббуси билан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда муддатидан олдин тўловга тақдим этилиши мумкин, бунда банк томонидан депозит суммасига сертификатнинг амалда бўлган муддати учун фоизлар тўланади. Банк сертификатларнинг муддатидан олдин тўловга тақдим этилиши ва уларни тўловга тақдим этиш шартлари тўғрисида камида бир ой олдин оммавий ахборот воситалари орқали эълон берилади.

3.6. Омонатчининг айби билан сертификатни сўндириш муддатидан кечиктириб тақдим этилган ҳолларда:

- шартномада кўрсатилган давр учун депозит суммаси ва унга ҳисобланган фоизлар тўлиқ тўланади;
- кечиктирилган кунлар учун фоизлар ҳисобланмайди ва тўланмайди.

3.7. Сертификатни сўндириш муддати банкнинг айби билан кечиктирилган бўлса, у ҳолда сертификат бўйича сертификатда белгиланган миқдорда фоиз ҳисобланади ва тўланади.

3.8. Сертификат йўқотилганлиги аниқланган ҳолларда унинг эгаси бу ҳақда беш банк иш куни ичида банкка маълум қилиши шарт. Ариза махсус тутилган дафтарда қайд қилинади, ушбу дафтар рақамланади, тикилади ва гербли сургуч муҳр изи билан маҳкамланади. Ариза сертификат корешоги билан бирга сақланади.

3.9. Йўқотилган сертификатлар бўйича тўловлар банк Бошқаруви буйруғи билан тузилган махсус комиссия томонидан ариза ва бошқа зарур ҳужжатлар кўриб чиқилгач амалга оширилади. Аризада сертификатни расмийлаштириш санаси, сертификат рақами, сертификат қайси банк бўлими томонидан, кимнинг номига (юридик шахс номи кўрсатилади), қанча миқдорда берилганлиги кўрсатилади.

3.10. Сертификат сақловчисининг ёзма аризаси банк Бошқаруви буйруғи билан ташкил этилган махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади ва ариза бўйича ижобий қарор қабул қилинганидан сўнг, банк аризачига 15 (ўн беш) банк иш куни давомида йўқотилган сертификатнинг дубликатини беради.



ОАТ «Алоқабанк»

Саналган  
Тықылган

(E & A)





Сертификат қорешоғи

Серияси \_\_\_\_\_  
рақами \_\_\_\_\_

Суммаси \_\_\_\_\_  
(рақам билан)

\_\_\_\_\_ сўм  
(сўзлар билан)

Фоиз ставкаси \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ фоиз  
(рақам ва сўзлар билан)

Кўйилган санаси  
20 й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Қайтариш санаси  
20 й. «\_\_» \_\_\_\_\_

(сертификат кимга берилган)

Мазкур сертификатни

(ташқилот номи, манзили ва банк

реквизитлари)

ОЛДИ.

(ваколатга эга бўлган шахснинг имзоси)

20 й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк»

Серияси \_\_\_\_\_

рақами \_\_\_\_\_

### ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТИ

Кўйилган сана: 20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Номинал қиймати: \_\_\_\_\_  
(рақамлар ва сўзлар билан)

фоиз ставкаси: \_\_\_\_\_ %  
(фоиз суммаси рақамлар ва сўзлар билан ёзилади)

### Очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк»и

(100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.)

(ташқилот номи, манзили ва банк реквизитлари)

\_\_\_\_\_ сўм  
(сумма рақамлар ва сўзлар билан ёзилади)

миқдордаги омонатни жойдаштиргани тўғрисида гувоҳлик беради. Очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк»и омонатчига ёки унинг ҳуқуқий ворисига депозит сертификатида кўрсатилган суммани фоизлари билан қўшиб қайтариш мажбуриятини олади.

Жами \_\_\_\_\_  
(сумма рақамлар ва сўзлар билан ёзилади)

Омонатни талаб қилиб олиш санаси: 20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Имзолар: \_\_\_\_\_  
(эмитент – банк раҳбари)

М.Ў. \_\_\_\_\_  
(эмитент – банк бош ҳисобчиси)

Мазкур депозит сертификати бошқа юридик шахсга ўтказилиши мумкин. Ушбу сертификатнинг бошқа юридик шахсга берилиши (цессия) унинг орқа томонида сертификатга нисбатан ўз ҳуқуқини берувчи (цедент) ва ушбу олувчи (цессионарий) орасида икки томонлама келишувга асосан расмийлаштирилади. Мазкур келишув бундай битимлар тузиш ваколатига эга бўлган икки юридик шахснинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланади. Ҳуқуқни ўтказиш тўғрисида шартномалар цедент томонидан рўйхатдан ўтказилиб, рақамланади.

ОАТ «Алоқабанк» депозит сертификати тўлов ва ҳисоб-китоб воситаси бўлиб ҳисобланмайди. Ушбу депозит сертификатининг олди-сотдиси фақат пул ўтказиш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - «сўм» да амалга оширилади.

Депозит сертификати сертификатда кўрсатилган муддатдан олдин тўловга тақдим этилиши мумкин, бунда банк ушбу сертификат эгасига сертификат суммасини ва талаб қилиб олинганча сақланадиган омонатлар бўйича тўланадиган фоиз ставкаси бўйича фоизларни тўлайди.



Бошқа шахсга бериш ҳақидаги ёзув № \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ бир томондан  
(цедентнинг номи, номи)  
ва \_\_\_\_\_ иккинчи томондан,  
(цессионарийнинг номи, номи)  
қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:  
сертификатнинг эгаси уни бошқа шахсга беради,  
\_\_\_\_\_ эса  
(цессионарийнинг номи, номи)  
\_\_\_\_\_ рақамли сертификат бўйича ҳуқуқларга эга бўлади.

Цедент  
\_\_\_\_\_  
(номи, номи, манзили, ҳисоб – китоб varaғи)

Раҳбар \_\_\_\_\_ М.Ў. Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

Цессионарий  
\_\_\_\_\_  
(номи, номи, манзили, ҳисоб – китоб varaғи)

Раҳбар \_\_\_\_\_ М.Ў. Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

Бошқа шахсга бериш ҳақидаги ёзув № \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ бир томондан  
(цедентнинг номи, номи)  
ва \_\_\_\_\_ иккинчи томондан,  
(цессионарийнинг номи, номи)  
қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:  
сертификатнинг эгаси уни бошқа шахсга беради,  
\_\_\_\_\_ эса  
(цессионарийнинг номи, номи)  
\_\_\_\_\_ рақамли сертификат бўйича ҳуқуқларга эга бўлади.

Цедент  
\_\_\_\_\_  
(номи, номи, манзили, ҳисоб – китоб varaғи)

Раҳбар \_\_\_\_\_ М.Ў. Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

Цессионарий  
\_\_\_\_\_  
(номи, номи, манзили, ҳисоб – китоб varaғи)

Раҳбар \_\_\_\_\_ М.Ў. Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

Бошқа шахсга бериш ҳақидаги ёзув № \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ бир томондан  
(цедентнинг номи, номи)  
ва \_\_\_\_\_ иккинчи томондан,  
(цессионарийнинг номи, номи)  
қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:  
сертификатнинг эгаси уни бошқа шахсга беради,  
\_\_\_\_\_ эса  
(цессионарийнинг номи, номи)  
\_\_\_\_\_ рақамли сертификат бўйича ҳуқуқларга эга бўлади.

Цедент  
\_\_\_\_\_  
(номи, номи, манзили, ҳисоб – китоб varaғи)

Раҳбар \_\_\_\_\_ М.Ў. Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

Цессионарий  
\_\_\_\_\_  
(номи, номи, манзили, ҳисоб – китоб varaғи)

Раҳбар \_\_\_\_\_ М.Ў. Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

Бошқа шахсга бериш ҳақидаги ёзув № \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ бир томондан  
(цедентнинг номи, номи)  
ва \_\_\_\_\_ иккинчи томондан,  
(цессионарийнинг номи, номи)  
қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:  
сертификатнинг эгаси уни бошқа шахсга беради,  
\_\_\_\_\_ эса  
(цессионарийнинг номи, номи)  
\_\_\_\_\_ рақамли сертификат бўйича ҳуқуқларга эга бўлади.

Цедент  
\_\_\_\_\_  
(номи, номи, манзили, ҳисоб – китоб varaғи)

Раҳбар \_\_\_\_\_ М.Ў. Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

Цессионарий  
\_\_\_\_\_  
(номи, номи, манзили, ҳисоб – китоб varaғи)

Раҳбар \_\_\_\_\_ М.Ў. Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Акциядорлик тижорат  
«Алоқабанк»  
Кенгаши Раиси



Х.М. Мирзахидов

2015 йил «31» 07

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
Раисининг биринчи ўринбосари



У.М. Мустафоев

2015 йил «20» Август  
DS-43-0171-Л.

2013 йил 26 февралда DS-43-0171 – сон билан рўйхатга олинган  
“Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг юридик шахслар учун  
депозит сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш  
шартлари”га киритилган ўзгартиришлар матни

Депозит сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш  
шартларининг 2.2 – банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Банкнинг юридик шахсларга депозит сертификатларни сотиб  
жойлаштирилган 45 500 000 000 (Қирқ беш миллиард беш юз миллион)  
сўмлик қисми учун сертификатларнинг фоиз ставкалари:

- **180 - 360 кун** муомала муддати билан, банк томонидан йиллик Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган йиллик қайта молиялаш ставкасининг **50** фоизига **бир** фоиз қўшилган миқдорда даромад тўланади;
- **361 - 540 кун** муомала муддати билан, банк томонидан йиллик Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган йиллик қайта молиялаш ставкасининг **50** фоизига **икки** фоиз қўшилган миқдорда даромад тўланади;
- **541 - 720 кун** муомала муддати билан, банк томонидан йиллик Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган йиллик қайта молиялаш ставкасининг **50** фоизига **уч** фоиз қўшилган миқдорда даромад тўланади.



Банкнинг юридик шахсларга депозит сертификатларни жойлаштирилмаган 54 500 000 000 (Эллик тўрт миллиард беш юз миллион) сўмлик қисми учун сертификатларнинг фоиз ставкалари:

- **180 - 270 кун** муомала муддати билан, банк томонидан йиллик **8,5** фоиз миқдорда даромад тўланади;
- **271 - 360 кун** муомала муддати билан, банк томонидан йиллик **9,0** фоиз миқдорда даромад тўланади;
- **361 - 450 кун** муомала муддати билан, банк томонидан йиллик **9,5** фоиз миқдорда даромад тўланади;
- **451 - 540 кун** муомала муддати билан, банк томонидан йиллик **10,0** фоиз миқдорда даромад тўланади;
- **541 - 630 кун** муомала муддати билан, банк томонидан йиллик **10,5** фоиз миқдорда даромад тўланади;
- **631 - 720 кун** муомала муддати билан, банк томонидан йиллик **11,0** фоиз миқдорда даромад тўланади.